



Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Бакра (Нофеъ ибн ал-Хорис) розияллоҳу анҳу шундай дейди: Биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида эканимиизда кун тутилди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шошиб турдиларда, ридоларини судраганча масжидга кирдилар. Биз ҳам кирдик. То кун очилиб кетгунича биз билан икки ракъат узун намоз ўқидилар. Сўнг: «Албатта, кун ва ой бирон кишининг ўлими сабабли тутилмайди. Агар уларнинг тутилганини кўрсангизлар, то очилиб кетгунича намоз ўқингиз ва дуо қилингиз», дедилар.



Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида кун тутилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан намоз ўқидилар. Қиёмда турдилар, қиёмда узоқ турдилар. Сўнг рукуъ қилиб, рукуъда ҳам узоқ турдилар. Сўнг қиёмга қайтиб, узоқ қиёмда турдилар ва бу аввалги қиёмларидан қисқароқ бўлди. Сўнг рукуъ қилиб, рукуъда узоқ турдилар ва бу аввалги рукуъларидан қисқароқ бўлди. Сўнг сажда қилиб, саждаларида узоқ турдилар. Сўнг иккинчи ракъатда ҳам худди биринчи ракъатдагидек қилдилар. Сўнгра намозларини тугатдилар, бу пайтда кун очилиб бўлганди. Кейин одамларга ваъз қилдилар, ваъзда Аллоҳга ҳамду сано айтиб, сўнг шундай дедилар: «Албатта, кун ва ой Аллоҳнинг оят-аломатларидан иккисидир. Улар бирорвнинг ўлиши ё туғилиши сабабли тутилмайди. Агар улардан бирининг тутилганини кўрсангизлар, Аллоҳга дуо қилинг, такбир айтинг, намоз ўқинг ва садақа қилинг!» Кейин айтдилар: «Эй уммати Муҳаммад! Аллоҳга қасамки, қулининг ёки чўрисининг зино қилишига Аллоҳдан кўра ғаюрроқ бирон кимса йўқдир! Эй уммати Муҳаммад! Аллоҳга қасамки, мен билган нарсани билганингизда, кам кулиб, кўп йиғлаган бўлар эдингиз!»

«»



Қарнамасынан).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анхұмо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида қүёш тутилғанда: «Ассолату жаамиъа» (Жамоат намози!) деб нидо қилингандай әди.

Шарҳ:

Күёш ва ой тутилиши Аллоҳ таолонинг бандаларини қўрқитадиган, қиёматни ёдларига соладиган оят-аломатлардан биридир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ҳолатда тезлик билан зикр, истиғфор, Аллоҳ таология илтижо, тазарруъ ва намозга киришар эдилар. Бу ҳолатда то кун ёки ой очилиб кетгунича давом этардилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Қуёш ёки ой тутилған вақтда намоз ўқиши суннатdir.
2. Қуёш ёки ой тутилғанда «Ассолату жаамиъа» деб нидо қилинади.
3. Кусуф намозининг сурати: намоз икки узун ракъат бўлиб, ҳар бир ракъатда икки рукуъ сўнгра икки сажда бўлади.
4. Намоздан кейин имом одамларга ваъз қиласи.